

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 336.5+330.115(575.1)

ЯКУБОВА ШАМШИНУР ШУХРАТОВНА

**ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН
ИНСТРУМЕНТЛАРНИ МАКРОИҚТИСОДИЙ МОДЕЛЛАШТИРИШ**

08.00.06 – “Эконометрика ва статистика”

Иқтисод фанлари номзоди
илмий даражасини олиш учун
тақдим этилган диссертация

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

**Диссертация иши Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг
“Банк иши” кафедрасида бажарилган**

Илмий раҳбар:

Ўзбекистон Республикаси Фанлар
Академияси академиги, и.ф.д., проф.
Ғуломов Саидахрор Саидахмедович

Расмий оппонентлар:

Иқтисод фанлари доктори, профессор
Жабборов Элибой Жаббарович

Иқтисод фанлари номзоди, доцент
Набиходжаев Аббос Абдупаттахович

Етакчи ташкилот:

Тошкент Молия институти

Ҳимоя Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича Д 067.06.01 рақамли ихтисослашган кенгашнинг 2010 йил «___» _____ соат _____ да ўтадиган мажлисида бўлади.

Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 49-уй.

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университети кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2010 йил «___» _____ да тарқатилди.

**Ихтисослашган кенгаш илмий
котиби, иқтисод фанлари доктори,
профессор**

Б. Б. Беркинов

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Ҳар бир давлатда иқтисодиёт турли макроиқтисодий сиёсат усуллари орқали бошқарилади. Шу усуллардан бири бўлиб, Марказий банкнинг монетар сиёсати ҳисобланади. Бошқа мамлакатлар сингари Ўзбекистонда ҳам миллий пул бирлиги барқарорлигини таъминлаш ва уни самарали бошқариш, монетар сиёсат воситаларининг мақсадли даражаларига эришиш, банк тизимининг ликвидлигини ҳамда молиявий бозорлар фаолиятининг самарадорлигини ошириш Марказий банк зиммасига юклатилган. Молия-банк тизимининг ривожланиши, унинг фаолиятини сифат жиҳатдан яхшиланиши, айниқса, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг таъсири доирасида катта аҳамиятга эга. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек, "... Бу ўринда гап банкларнинг капиталлашуви ва инвестициявий фаоллигини янада ошириш, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларнинг устувор йўналишларини қайта тиклаш ва кенгайтириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга қаратилган кредитлаш ҳажмини ошириш ҳақида бормокда"¹. Ушбу вазифаларни амалга ошириш кўп жиҳатдан иқтисодиётда амал қилувчи пул-кредит механизмларининг такомиллашув даражасига узвий боғлиқдир. Бу эса, иқтисодиётда вужудга келадиган айрим номутаносибликларни ўз вақтида ва муваффақиятли бартараф этишда, ҳамда монетар сиёсат инструментларининг (қайта молиялаштириш ставкаси ва мажбурий заҳиралар нормаси) таъсирчанлигини оширишда тўсиқ бўла оладиган мавжуд муаммоларнинг аниқланиши ва ҳал қилинишини тақозо этади. Ушбу ҳолат, айниқса, мамлакатимизнинг жаҳон иқтисодиётига тобора интеграциялашуви шароитида, пул-кредит сиёсати механизмларини моделлаштиришнинг илмий-услубий асосларини янада такомиллаштириш заруриятини юзага келтиради.

Моделлаштириш ва прогнозлашнинг барқарор ва ишончли тизимини яратиш, иқтисодий-математик воситалардан фойдаланиш иқтисодиётнинг узоқ ва ўрта муддатли даврлардаги истиқболли йўналишларини аниқлашда, пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш, мамлакатда инвестицион фаолиятни жадаллаштириш ва иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатларини таъминлашда кенг имконият яратади. Бунинг учун эса монетар сиёсат инструментларининг пул-кредит тизими ва реал секторга таъсир механизмларини акс эттирадиган иқтисодий-математик моделлар комплекс тизимини ишлаб чиқиш талаб этилади. Мамлакатимизда пул-кредит сиёсатининг иқтисодиётга таъсирини моделлаштиришнинг илмий-услубий асосларини янада такомиллаштириш зарурлиги ҳамда мазкур мавзунинг республикамиз олимлари томонидан алоҳида илмий тадқиқот объекти сифатида етарли даражада ўрганилмаганлиги танланган тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилаб беради.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бугунги кунда иқтисодий

¹ Каримов И. А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2010. 56-б.

жараёнларни моделлаштириш ва прогнозлаш муаммоларига, шунингдек, давлат макроиктисодий сиёсатининг иқтисодий ўсишга таъсирини ўрганиш муаммоларига бағишланган кўплаб илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Турли иқтисодий мактабларнинг вакиллари ҳисобланган А. Смит, Д. Рикардо, И. Фишер, А. Маршалл, Дж. Хикс, Дж. Тобин, Дж. М. Кейнс, Милтон Фридмен, Л. Харрис² илмий ишларида пул назариялари чуқур тадқиқ қилиниб, иқтисодиётни монетар сиёсат воситасида тартибга солишнинг назарий жиҳатлари ўрганилган. Пул-кредит жараёнларини моделлаштириш, пул-кредит сиёсати трансмиссион механизмини тадқиқ қилиш, оптимал монетар сиёсатнинг қоидаларини ишлаб чиқиш масалалари замонамизнинг таниқли олимлари Ф. Мишкин, Э. Дж. Долан, Б. Бернанке, К. Симс, Б. М. Фридмен, Дж. Тейлор, Б. Маккаллам, Г. Гертлер³ ишларида ўз аксини топган.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида, бошқа МДХ мамлакатлари каторида бизнинг республикамизда ҳам пул-кредит сиёсатининг иқтисодий барқарорлик ва ўсишга таъсирини моделлаштириш муаммоси илмий қизиқиш предмети бўлиб келмоқда. Бозор иқтисодиёти моделларини ишлаб чиқиш, миллий иқтисодиётни моделлаштириш ва прогнозлаш, иқтисодий ўсиш, инфляция, инвестициялар ва жамғарма жараёнларини моделлаштириш масалаларини назарий ва амалий жиҳатдан ёритиб беришда мамлакатимизнинг С.С. Ғуломов, С.В. Чепель, Т.Ш. Шодиев, Қ.С. Сафаева, А.М. Абдуллаев, А.М. Адхамов, Ю.Қ. Мухамедов, А.Ў. Қобилов, Д.М. Расулев⁴ каби мамлакатимизнинг таниқли

² Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. - Антология экономической классики: в 2 т. - М.: МП «Эконом», 1993.; Рикардо Д. Начала политической экономии и налогового обложения. - Антология экономической классики: в 2 т. - М.: МП «Эконом», 1993.; Фишер И. Покупательная сила денег. - М.: Дело, 2001. 320 с.; Маршалл А. Принципы экономической науки. - М.: Прогресс, 1993. т. 1-3.; Хикс Дж. Стоимость и капитал. - М.: Прогресс, 1993.; Tobin James. A general equilibrium approach to monetary theory. Journal of money, credit and banking, 1:1, February, 1969.15-29; Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег. - М.: ЭКСМО, 2007.; Фридмен М. Если бы деньги заговорили....- М.: Дело, 2002. - 160 с.; Харрис Л. Денежная теория. - М.: Прогресс, 1990. - 750 с.

³ Mishkin F. The channels of monetary transmission: lessons for monetary policy, NBER Working papers, WP #5464, 1996.; Долан Э. и др. Деньги, банковское дело и денежно-кредитная политика. - М.: Дело, 1991.; Bernanke, Ben, S., Gertler M. Inside the black box: The credit channel of monetary policy transmission. Journal of Economic Perspectives, 1995, #9, 27-48.; Sims C. Monetary policy models, CEPS Working Paper No. 155, November 2007.; Friedman, B.M. The Rise and Fall of the Money Growth Targets as Guidelines for U.S. Monetary Policy. Paper prepared for the Bank of Japan Seventh International Conference. 1995.; Taylor, John B. Discretion versus Policy Rules in Practice, Carnegie-Rochester Conference series on Public Policy 39, 1993. 195-214.; McCallum Bennett T. Alternative Monetary Policy Rules: A Comparison with Historical Settings for the United States, the United Kingdom, and Japan, Carnegie Mellon University and Federal Reserve Bank of Richmond, February 2000.; Gertler M, Galí J. Macroeconomic Modeling for Monetary Policy Evaluation, July 2007.

⁴ Ғуломов С.С. ва б. Бозор иқтисодиёти моделлари. Ўқув қўлланма. - Т., 1995.; Шодиев Т.Ш. ва б. Иқтисодий-математик усуллар ва моделлар. Ўқув қўлланма. - Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2005; Сафаева Қ.С. Ноаниқлик ва таваккалчилик шароитида иқтисодий ечимлар қабул қилишнинг математик усуллари. Ўқув қўлланма. - Т.: ТМИ, 1996.; Абдуллаев А.М. и др. Прогнозирование и моделирование национальной экономики. Учебник. - под ред. Акад. С.С. Гулямова. - Т.: Fan va texnologiya, 2007.; Адхамов М. Моделирование взаимосвязи производства, потребления и совокупных доходов населения (на примере Республики Узбекистан): Диссертация на соиск. уч. степ. доктора экон. наук. - Ташкент: 1991.; Мухамедов Ю. Қ. Барқарор ижтимоий-иқтисодий ўсишнинг омиллари ва эконометрик моделлари (Ўзбекистон Республикаси мисолида): Иқтисод фанлари доктори илм. дар. олиш учун ёзилган диссертация. - Тошкент: ТДИУ, 2006. - 319 б.; Қобилов А.Ў. Иқтисодий ўсиш ва жамғармани тартибга солиш жараёнларини моделлаштириш: Иқтисод фанлари номзоди илм. дар. олиш учун ёзилган диссертация. - Тошкент: ТДИУ, 2004. - 131 б.; Расулев Д. М. Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш босқичида инвестицияларни молиялаштиришни эконометрик моделлаштириш (банклар инвестицияси мисолида): Иқтисод фанлари доктори илм. дар. олиш учун ёзилган диссертация. - Тошкент: ТДИУ, 2003. - 233 б.

олимлари ўз илмий-тадқиқот ишлари билан муносиб ҳисса қўшганлар. Хусусан, С.В. Чепель томонидан ўрта ва узоқ муддатли истикболда макроиктисодий барқарорлик муаммоларини ҳал қилишнинг янги концептуал ёндашувлари таклиф қилинган⁵. Иқтисодчи-олим А.Ў. Қобилов иқтисодий ўсиш ва жамғармани тартибга солиш жараёнлари сон ва сифат таҳлилининг назарий, услубий ва эконометрик моделлари мажмуасини таклиф этган⁶. Шунингдек, ўтиш даври иқтисодиёти шароитида банк тизими самарадорлигини ошириш, пул-кредит соҳасини тартибга солиш муаммоларини кенг тадқиқ қилган олимларимиздан Ш.З. Абдуллаева, Ё. Абдуллаев, О.Ю. Рашидов, О.Ш. Намозов, Н. Жумаев, О.К. Иминов, Б.М. Душаев, Т.И. Бобокулов⁷нинг илмий асарларини таъкидлаб ўтишимиз даркор. Масалан, О.Ш. Намозовнинг илмий ишларида ўтиш даври иқтисодиётида монетар сиёсат муаммолари ўрганилиб, монетар сиёсатнинг концептуал ёндашувлари ишлаб чиқилган⁸. Н.Х. Жумаев ўз илмий изланишларида Ўзбекистон Республикасида валюта муносабатларини тартибга солишнинг методологик асосларини такомиллаштириш масаласини тадқиқ қилган⁹. Кўриб чиқилган ишларда монетар сиёсат давлатнинг иқтисодиётни тартиблашнинг бошқа усуллари билан ўзаро яхлитлигида тадқиқ этилган, аммо айнан унинг инструментларининг таъсири ва аҳамияти таҳлил қилинмаган. Шу жиҳатдан пул-кредит сиёсати инструментларининг иқтисодий ўсишга таъсирини эконометрик моделлаштириш масалалари тўлиқ ўрганилмаган ва чуқур тадқиқ қилишни талаб этади.

Тадқиқот ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот мавзуси Ўзбекистон Республикаси Давлат фан ва техника қўмитаси томонидан Тошкент давлат иқтисодиёт университетига берилган Давлат рақами 01.02.0011531 - “Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва эркинлаштиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш” ДИТД-1.6 доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади. Тадқиқотнинг асосий мақсади – миллий иқтисодиётнинг барқарор ўсиш суръатини таъминлаш борасида эконометрик моделларни ишлаб чиқиш ва уларни тадбиқ этиш асосида пул-кредит сиёсати механизмларини такомиллаштириш бўйича илмий таклифлар ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

⁵ Чепель С.В. Проблемы макроэкономического регулирования и прогнозирования в условиях перехода к рынку: Диссертация на соиск. учен. степ. доктора экон. наук. – Ташкент: 1996. - 271 с.

⁶ Қобилов А. Ў. Иқтисодий ўсиш ва жамғармани тартибга солиш жараёнларини моделлаштириш: Иқ. фанлари номзоди илм. дар. олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент: ТДИУ, 2004 й. - 131 б.

⁷ Абдуллаева Ш.З. Пул, кредит ва банклар. – Т.: Молия, 2000. – 312 б.; Абдуллаев Ё., Бобокулов Т. Кредит. – Т.: Меҳнат, 1996.; Рашидов О.Ю. ва б. Проблемы организации, развития и повышения эффективности системы банковской деятельности Республики Узбекистан в условиях рынка. – Т. 1994. – 57 с.; Иминов О.К. Бозор иқтисодиёти шароитида кредит тизими ва уни такомиллаштириш масалалари: Иқ. фанлари доктори илмий дар. олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Тошкент: ЎЗР БМА, 2002. - 32 б.; Душаев Б.М. Основные направления регулирования денежной массы в Республике Узбекистан: Автореферат диссертации на соиск. уч. степ. доктора экон. наук. - Ташкент, БФА РУз, 2004 г. – 20 с.; Бобокулов Т.И. Пул массаси – пул-кредит сиёсатининг асосий индикатори // Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2007. – №2. – 16-18 б.

⁸ Намозов О.Ш. Монетарная политика в переходной экономике: концептуальные подходы и программные направления: Диссертация на соиск. уч. степ. доктора экон. наук. - Ташкент, БФА. 2001 г.

⁹ Жумаев Н.Х. Ўзбекистонда валюта муносабатларини тартибга солиш методологиясини такомиллаштириш: Иқ. фанлари доктори илмий дар. олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Тошкент: ЎЗР БМА, 2008. - 35 б.

Тадқиқот вазифалари. Ушбу мақсад доирасида қуйидаги вазифалар белгиланди:

- пул-кредит сиёсатини олиб бориш ва унинг иқтисодий ўсишга таъсир этувчи билвосита инструментларини моделлаштиришнинг назарий-услубий хусусиятларини ўрганиш ва таҳлил қилиш;
- пул-кредит сиёсатининг макроиқтисодий кўрсаткичларга таъсирини акс эттирувчи иқтисодий-математик моделлар рекурсив тизимини яратиш заруриятини асослаб бериш ва унинг таркибий тузилишини аниқлаш;
- ишлаб чиқилган иқтисодий-математик моделлар рекурсив тизимини баҳолашда қўлланиладиган эконометрик ёндашувларни таҳлил қилиш;
- монетар сиёсат инструментлари ва макроиқтисодий кўрсаткичлар ўртасидаги мавжуд боғлиқликларни баҳолаш ва олинган натижаларни барқарорлик ва аниқлилик жиҳатларига текшириш;
- яратилган иқтисодий-математик моделлар рекурсив тизими асосида макроиқтисодий кўрсаткичларнинг прогноз йилларидаги қийматларини аниқлаш ва шу асосда ўрта муддатли даврда пул-кредит сиёсатини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини белгилаш;
- мамлакатнинг узок муддатли барқарор иқтисодий ўсишини таъминлаш мақсадида пул-кредит сиёсати инструментларини такомиллаштириш ва улардан самарали фойдаланиш борасида илмий таклифлар ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти бўлиб Ўзбекистонда олиб борилаётган пул-кредит сиёсати ҳисобланади.

Тадқиқот предмети бўлиб, иқтисодий-математик усуллар ва эконометрик моделлар ёрдамида республикамізда олиб борилаётган пул-кредит сиёсати инструментларининг (қайта молиялаштириш ставкаси ва мажбурий захиралар нормаси) макроиқтисодий кўрсаткичларга таъсирини моделлаштириш ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Диссертацияда мантиқий, қиёсий, статистик таҳлил, илмий абстракциялаш, иқтисодий-математик моделлаштириш, хатолар коррекцияси, экстраполяция ҳамда мақсадли прогнозлаш услубларидан самарали фойдаланилди.

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар:

- монетар сиёсатнинг иқтисодий ўсишга таъсирини макроиқтисодий моделлаштиришнинг такомиллаштирилган назарий асослари;
- монетар сиёсат инструментларининг пул-кредит тизими ҳамда реал секторнинг иқтисодий кўрсаткичларига таъсирини миқдорий баҳолашда фойдаланиладиган иқтисодий-математик ёндашувлар;
- иқтисодий-математик ҳисоб-китобларнинг илмий ва статистик таҳлили ҳамда уларнинг ҳаққонийлигини текшириш асосида таклиф этилган иқтисодий-математик моделлар рекурсив тизими;
- ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ўсиш суръати ва инфляция даражасининг қайта молиялаштириш ставкасининг турли даражасига қараб ўзгаришининг истиқболий прогнози ва эҳтимолий динамикаси;

- мамлакатда инвестицион фаолиятни жадаллаштириш ва барқарор иқтисодий ўсишини таъминлаш борасида пул-кредит сиёсати инструментларини янада такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари.

Ишнинг илмий янгилиги. Республикамизда пул-кредит сиёсати инструментларининг макроиқтисодий кўрсаткичларга таъсирини акс эттирувчи иқтисодий-математик моделларнинг рекурсив тизими ишлаб чиқилган.

Хусусан:

- пул-кредит сиёсати инструментларининг иқтисодий ўсишга таъсир этувчи механизмларини моделлаштиришнинг назарий-услубий асослари ишлаб чиқилди;

- миллий иқтисодиётдаги пул-кредит муносабатларини бошқаришда Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган монетар сиёсатнинг ўрни ва унинг ўзига хос хусусиятлари аниқланди;

- ривожланган мамлакатларнинг монетар сиёсатни моделлаштириш борасидаги тажрибаларини Ўзбекистон амалиётида қўллаш юзасидан илмий-назарий тавсиялар ишлаб чиқилди;

- Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкаси ҳамда мажбурий заҳиралар нормасини макроиқтисодий кўрсаткичларга таъсирини моделлаштиришда векторли авторегрессиялар ва хатолар коррекцияси услубларидан фойдаланиш мумкинлиги асосланди;

- таклиф қилинган услублар асосида кўп омилли иқтисодий-математик моделлар рекурсив тизими ишлаб чиқилди, монетар сиёсат инструментларининг пул массаси ва макроиқтисодий кўрсаткичларга таъсири сон ва сифат жиҳатдан баҳоланди;

- қайта молиялаштириш ставкасининг турли даражасида иқтисодий ўсиш ва инфляцияни ўзгариш динамикасининг ўрта муддатдаги прогноз кўрсаткичлари ҳисобланди;

- монетар сиёсат инструментларини такомиллаштириш борасида амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Пул-кредит сиёсати инструментларини моделлаштиришнинг таклиф қилинган усуллари, ишлаб чиқилган эконометрик моделлар тизими ва прогноз кўрсаткичларидан Ўзбекистон Республикасининг миллий валюта барқарорлигини ва узоқ муддатли иқтисодий ўсишни таъминлаш борасидаги пул-кредит сиёсатини олиб бориш ва такомиллаштиришда, унинг ўрта ва узоқ муддатдаги вазифаларини аниқлашда, шу жумладан, мамлакатимиз иқтисодиётининг истиқболдаги ривожланишини белгиловчи дастурларни ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин. Тадқиқот ишида тижорат банкларининг кредит ва инвестицион фаоллигига самарали таъсир кўрсата оладиган монетар сиёсатнинг алоҳида инструментларини такомиллаштириш бўйича амалий тавсиялар асослаб берилган.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Тадқиқот ишининг асосий натижалари Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодий тадқиқотлар ва прогнозлаштириш институтида (175-сонли далолатнома, 18.05.2010й.) синовдан ўтказилган. Синов натижалари шуни кўрсатдики, ишлаб чиқилган

тизим барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш мақсадида пул-кредит сиёсатини самарали амалга оширишда илмий асосланган қарорлар қабул қилиш учун муҳим ва ишончли восита бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, диссертация ишининг асосий натижаларидан Тошкент давлат иқтисодиёт университети (02-1736-сонли маълумотнома, 17.05.2010й.) ўқув жараёнида фойдаланилмоқда.

Ишнинг синовдан ўтиши. Тадқиқот ишининг асосий натижалари муаллиф томонидан “Образование и социально-экономическое развитие в начале третьего тысячелетия” (Москва, РЭА им. Г.В. Плеханова, 2006), «Иқтисодиётни модернизациялаш ва жамиятни янгилашнинг устувор йўналишлари» (Тошкент, ТДИУ, 2006), «Иқтисодий тараққиёт ислохотларининг назарий ва амалий асослари» (Тошкент, ТДИУ, 2006), «Мустақил Ўзбекистон ёшларининг илм-фан тараққиётидаги фаолияти» (Тошкент, ТДИУ, 2008), «XXII-е Международные Плехановские чтения» (Москва, РЭА им. Г.В. Плеханова, 2009), «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» (Тошкент, ТДИУ, 2009) халқаро ва республика илмий-амалий анжуманларида илмий маърузалар кўринишида тақдим қилинган. Шунингдек, тадқиқот иши Тошкент давлат иқтисодиёт университети “Ахборотлар технологияси” ва “Банк иши” кафедралари қўшма мажлисининг илмий семинарида ҳамда мазкур университет ҳузуридаги Д 067.06.01 рақамли Ихтисослашган кенгаш қошидаги 08.00.06 - “Эконометрика ва статистика” ихтисослиги бўйича илмий семинарда муҳокама этилиб, ҳимояга тавсия этилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Тадқиқотнинг асосий хулоса ва натижалари умумий ҳажми 39,5 босма табоқдан иборат бўлган 5 та маъруза тезислари ва 5 та илмий мақолаларда акс эттирилган. Улардан 4 та илмий мақолалар ОАК тасдиқлаган илмий нашрларда чоп этилган. Шунингдек, тадқиқот мавзуси бўйича 2 та ўқув ва 1 та ўқув-услубий қўлланмаси нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши таркибий жиҳатдан кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация матни жами 206 бетда баён этилган бўлиб, 6 та жадвал, 12 та расм ва 9 та иловаларни ўз ичига олган.

Ишнинг **кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, услубий асослари, илмий янгилиги ҳамда амалий аҳамияти ёритиб берилган.

Диссертация ишининг биринчи **“Пул-кредит сиёсатини макроиқтисодий моделлаштиришнинг назарий асослари”** бобида монетар сиёсатни макроиқтисодий моделлаштиришнинг назарий асослари, пул-кредит сиёсатининг трансмиссион механизми ва инструментлари, иқтисодий ўсишни таъминлашда уларнинг роли ва аҳамияти кўрсатиб ўтилган, монетар сиёсатни моделлаштиришнинг хорижий мамлакатлар тажрибаси таҳлил қилинган.

Диссертация ишининг **“Пул-кредит сиёсати инструментларининг мамлакат иқтисодий ўсишига таъсирини моделлаштириш”** номли иккинчи бобида миллий иқтисодиётнинг ўтиш даври хусусиятларидан келиб чиққан

ҳолда, Марказий банк пул-кредит сиёсати алоҳида инструментларининг пул-кредит соҳаси ва реал секторга таъсирини кўрсатиб берувчи макроиктисодий моделлар тизими таклиф қилинган. Иқтисодий-математик моделларнинг рекурсив тизими эконометрик ёндашувлар ва услублар ёрдамида баҳоланиб, унинг барқарорлик хусусиятлари текширилган.

Ишнинг учинчи боби **“Мамлакатнинг иқтисодий ўсишига таъсир этувчи монетар инструментларни моделлаштиришни такомиллаштириш йўллари”** деб номланиб, унда тадқиқотчи ишлаб чиқилган иқтисодий-математик моделлар рекурсив тизими асосида қайта молиялаштириш ставкасининг турли қийматларида макроиктисодий кўрсаткичлар ўзгаришининг прогноз қийматларини ҳисоблаган, мамлакатда иқтисодиётнинг узоқ муддатли ва барқарор ўсиш суръатларини таъминлашда монетар сиёсат инструментларини такомиллаштириш борасидаги таклиф ва тавсияларини келтирган.

Диссертация ишининг **хулоса** қисмида тадқиқот натижалари умумлаштирилиб, хулоса ва таклифлар берилган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


2007 йил охирида юзага келган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози молиявий барқарорлик шартларини танқидий нуқтаи назардан баҳолаш ва таҳлил қилиш заруриятини асосламоқда. Айниқса, бу борада ҳар бир мамлакатнинг марказий банкларини ўрни диққатга сазовордир. Жаҳон нархларининг кескин тебранишлари, кредитлаш ҳажмининг ортиб бориши ва шу каби бошқа омиллар мамлакатнинг умумий молиявий-иқтисодий ҳолатига таъсир қилади. Унинг салбий оқибатларини бартараф этиш масалалари эса марказий банклар олдида турадиган долзарб муаммолар таркибига киради. Молия-банк тизимининг ривожланиши, унинг барқарорлиги ва такомиллашуви мамлакатда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда муҳим аҳамиятга эгадир. Айниқса, мамлакатимиз раҳбари иқтисодий ўсиш натижаларига эътибор бериб, алоҳида қайд этадиларки, “...бу борада банк хизматининг янги турларини жорий этиш, аҳоли ва хўжалик субъектларининг бўш маблағларини банкларнинг узоқ муддатли депозитларига жалб этишни камида 30 фоизга кўпайтириш, мамлакат иқтисодиётига киритиладиган узоқ муддатли кредит қуйилмалари улушини ички манбалар ҳисобидан ошириш учун мустаҳкам асос яратиш масалаларини қўшимча равишда ишлаб чиқиш талаб этилади”¹⁰.

Чуқур иқтисодий ислохотлар ва таркибий ўзгаришларни амалга ошириш натижасида миллий иқтисодиётда, айниқса унинг реал секторида ва пул-кредит тизимида макроиктисодий барқарорлик таъминланди. Мазкур ҳолатни сўнгги йилларда макроиктисодий кўрсаткичларнинг ижобий ўзгариш суръати ҳам тасдиқламоқда. Иқтисодиётнинг ривожланиш якунларидан кўриниб турибдики,

¹⁰ Каримов И. А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. - Т.: Ўзбекистон, 2010. 58-б.

иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш борасида чора-тадбирларнинг босқичма-босқич амалга оширилиши, таркибий ўзгаришлар ва иқтисодиётни модернизациялаш чораларининг давом эттирилиши, шунингдек, Инқирозга қарши чоралар дастурида белгиланган тадбирларнинг ўз вақтида бажарилиши миллий иқтисодиётда 2009 йилда ялпи ички маҳсулотнинг 8,1 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг 9,0 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришининг 5,7 фоизга ортишини таъминлади¹¹.

Таъкидлаш лозимки, иқтисодий ўсишни таъминлаш борасида республикада олиб борилаётган пул-кредит сиёсати ҳам ўзининг салмоқли ҳиссасига эгадир. Пул-кредит сиёсати макроиқтисодий кўрсаткичларнинг белгиланган даражаларини таъминлашга, шунингдек, Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида жаҳон молиявий-иқтисодий инқироз таъсирини юмшатиш ва бартараф этишга доир чора-тадбирларни амалга оширишга йўналтирилгандир. Иқтисодиётда инфляцион кутилмаларнинг таъсирини камайтириш мақсадида Марказий банк пул-кредит сиёсатининг турли бозор инструментларидан фойдаланди, булар қайта молиялаштириш ставкаси, мажбурий заҳиралар нормаси, очик бозордаги операциялар ва валюта интервенциялари кабилардир. Қайта молиялаштириш ставкасининг ўзгармас 14 фоиз даражасида ушлаб турилиши ва бошқа самарали чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида истеъмол товарлари нархларининг кескин ортишига йўл қуйилмади. Истеъмол бозоридаги нархларнинг барқарорлашуви натижасида шу давр мобайнида инфляция суръати прогнозли кўрсаткичлар доирасида сақланиб, 7,4 фоизни ташкил қилди. Буни 1-расмдан кўриш мумкин:



1-расм. Инфляция, ЯИМ ва қайта молиялаштириш ставкасининг ўзгариш динамикаси (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан, фоизда)¹²

¹¹ Каримов И. А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. - Т.: Ўзбекистон, 2010. 49-б.

¹² Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Жаҳоннинг кўпгина мамлакатларини қамраб олган молиявий-иқтисодий инқирознинг давом этишига қарамай, Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида кўрилган чора-тадбирлар натижасида республикада макроиқтисодий ва молиявий барқарорлик сақлаб қолинмоқда, шунингдек, тижорат банклари капиталлашув даражасини ошириш, банк тизими ликвидлигини тартибга солиш борасида чора-тадбирларнинг амалга оширилиши иқтисодий ўсишини қўллаб-қувватловчи асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Пул-кредит сиёсатининг иқтисодий ўсишга таъсири моделларини тузишда ва бу соҳадаги мавжуд муаммоларни тадқиқ қилишда аввало макроиқтисодий моделлаштириш тушунчасининг моҳиятини тўлиқ англаб олиш лозим. Тадқиқотда ўтказилган таҳлиллар натижаси шуни кўрсатдики, ҳозирги кунда макроиқтисодий моделлаштириш тушунчаси кенг ва етарлича тарзда ёритиб берилмаган. Шундан келиб чиққан ҳолда, муаллиф томонидан пул-кредит сиёсатининг инструментларини моделлаштириш тушунчасига янгича таъриф берилди. Пул-кредит сиёсатининг инструментларини моделлаштириш деганда, иқтисодий-математик усуллар ва воситалар ёрдамида миллий иқтисодиётнинг узок даврга мўлжалланган барқарор иқтисодий ўсишини таъминловчи иқтисодий-математик моделларнинг яхлит тизимини яратиш тушунилади. Бунда иқтисодиёт фаолияти ва ривожланишининг умумий қонуниятлари назарий жиҳатдан тадқиқ қилинади.

Ҳозирги кунда монетар сиёсатни моделлаштириш борасида бир қанча ёндашувлар ишлаб чиқилган¹³. Буларга векторли авторегрессиялар ёндашуви, микроиқтисодий маълумотларнинг панелли таҳлили асосида моделлаштириш, пул-кредит сиёсати қоидаларини моделлаштириш, умумий мувозанатнинг стохастик динамик моделларини ишлаб чиқиш, шунингдек, тузилмавий векторли авторегрессия моделлари, омиллар билан тўлдирилган векторли авторегрессия моделлари киради. Барча моделлар, ўзининг шакли ва тузилишидан қатъий назар, ягона мақсадга – пул-кредит сиёсати чораларининг макроиқтисодий кўрсаткичларга таъсирини ақс эттиришга ва мавжуд трансмиссион механизм каналлари ҳамда уларнинг хусусиятларини аниқлашга мўлжалланган.

Тадқиқот ишида ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда монетар сиёсати трансмиссион механизмнинг турли жиҳатларини тадқиқ қилиш ва моделлаштириш, оптимал монетар сиёсат қоидаларини ишлаб чиқиш, унинг таъсир каналларини моделлаштириш масалалари кўриб чиқилган ва хорижий тадқиқот ишлари ўрганилган. Хусусан, хориж иқтисодчилари К. Симс¹⁴, Ф. Карло¹⁵, Б. М. Фридман¹⁶, Дж. Тейлор¹⁷, Л. Болл¹⁸, Ф. Мишкин¹⁹ илмий

¹³ Sims, C. A. Comment on Glenn Rudebusch: Do Measures of Monetary Policy in a VAR Make Sense? (Manuscript, Yale University), 1996.; Канторович Г.Г. Анализ временных рядов. Лекционные и методические материалы // Экономический журнал ВШЭ. №4, 2003; Дробышевский С.М., Трунин П.В., Каменских М.В. Анализ трансмиссионных механизмов денежно-кредитной политики в российской экономике / М.: ИЭПП, 2008.

¹⁴ Sims C. Improving Monetary Policy Models, Princeton University and NBER CEPS Working Paper No. 128 May 2006; Sims C. Monetary policy models, CEPS Working Paper No. 155, November 2007.

¹⁵ Favero Carlo A. Model Evaluation in Macroeconometrics: from early empirical macroeconomic models to DSGE models. IGIER Università Bocconi and CEPR. September 2007. p.33.

¹⁶ Friedman, B. and K. Kuttner, A Price Target for U.S. Monetary Policy? Lessons from the Experience with Money Growth Targets, Brookings Papers on Economic Activity. 1996.

ишларида эконометрик моделлаштиришнинг замонавий ёндашувларини қўллаш асосида монетар сиёсатнинг иқтисодиётга таъсирини акс эттирувчи эконометрик моделлар, ҳамда марказий банклар учун монетар сиёсат қоидалари ишлаб чиқилган. Мазкур қоидаларнинг ўзига хослиги шундаки, улар марказий банклар учун иқтисодиётдаги турли кутилмаган вазиятларда пул-кредит сиёсатини амалга оширишда мўлжал вазифасини бажаради. Истиқболда миллий иқтисодиётда ҳам хорижий амалиётда тадбиқ этилаётган айрим монетар сиёсат қоидалари қўлланилиши мумкинлиги аниқланди. Қуйидаги 1-жадвалда муаллиф томонидан ривожланган давлатларда қўлланиладиган монетар сиёсат моделлари билан таклиф қилинадиган иқтисодий-математик моделлар рекурсив тизимининг солиштирма таҳлили келтирилади.

1-жадвал

Монетар сиёсат моделларининг қиёсий таҳлили²⁰

Моделнинг хусусиятлари	Сент-Луис модели	Тейлор қоидаси	Таклиф қилинаётган ИММнинг рекурсив тизими
Тенгламалар сони	8	1	10
Тури	Келтирилган тенглама	Таркибий тенглама	Таркибий тенгламалар
Асосий мақсади	Иқтисодий барқарорлик	Иқтисодий барқарорлик	Узоқ муддатли барқарор иқтисодий ўсиш
Хусусиятлари	Пул таклифининг реал ЯИМ, фоиз ставкалари бандликка таъсири ўрганилади	Инфляция ва ишлаб чиқаришнинг прогнозли ва потенциал даражаларидан четланишига қараб фоиз ставкаси ўзгартирилади	Монетар инструментларнинг инфляция, ЯИМ ва унинг таркибий қисмларига таъсирини акс эттиради
Инструментлар	Фоиз ставкаси	Фоиз ставкаси	Қайта молиялаштириш ставкаси ва мажбурий заҳиралар нормаси
Башорат даври	Узоқ муддатга йўналтирилган	Қисқа муддатга йўналтирилган	Ўрта муддатга йўналтирилган
Камчилиги	Валюта курси ва ташқи иқтисодий фаолият ҳисобга олинмайди	Пул агрегатлари, валюта курси ва бошқа макропараметрлар ҳисобга олинмайди	Монетар сиёсатнинг очик бозордаги операциялари ва депозит операциялари ҳисобга олинмайди

1-жадвалдан кўриниб турганидек, ривожланган давлатларнинг монетар сиёсат моделлари асосан молиявий бозорлари такомиллашган иқтисодиёт учун ишлаб чиқилган. Шу сабабли уларни кўр-кўрона тарзда миллий иқтисодиёт учун амалда қўллаш кутиладиган натижа ва самараларга олиб келмаслиги

¹⁷ Taylor John B., The monetary transmission mechanism and The evaluation of monetary policy rules. Central Bank of Chile, Working Papers №87. Diciembre 2000.

¹⁸ Ball L. "Policy rules for open economies", NBER Working papers, #6760. October 1998.

¹⁹ Mishkin F. The channels of monetary transmission: lessons for monetary policy, NBER Working papers, WP #5464, 1996.

²⁰ Муаллиф ишланмалари.

мумкин. Бунинг учун миллий иқтисодиётнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш, қўлланилиши мумкин бўлган модел ёки қонданинг афзаллик жиҳатларини чуқур таҳлил қилиш лозим бўлади.

Тадқиқот ишида муаллиф томонидан пул бозорида мувозанатни акс эттирувчи ва пул-кредит сиёсати инструментларининг пул-кредит соҳаси ва иқтисодиётнинг реал секторига билвосита таъсирини акс эттирувчи иқтисодий-математик моделлар рекурсив тизими ишлаб чиқилган.

Иқтисодий-математик моделлар тизимининг асоси сифатида очиқ иқтисодиёт учун IS-LM модели қабул қилинган. Зеро бу модел асосий макроиқтисодий кўрсаткичларни ўзаро боғлиқликда ифодалайди ва товарлар ва пул бозорларидаги мувозанат ҳолатини акс эттиради. IS-LM моделининг асосий моҳияти шундаки, у товарлар ва пул бозорларини бир тизимда мужассамлаштиради. Унинг ёрдамида фоиз ставкаси ва ишлаб чиқаришнинг шундай қийматлари топиладики, бунда иккала бозорда ҳам бир вақтнинг ўзида мувозанат ҳолатига эришилади. Инвестициялар функциясида инвестицияларнинг кредитлар бўйича реал фоиз ставкасига боғлиқлиги келтирилади, у ҳам ўз навбатида пулга бўлган талаб ва таклифнинг мувозанат ҳолатидан аниқланади. Бироқ IS-LM модели тадқиқот ишида қўйиладиган талабларга тўлиқ жавоб бера олмайди. Чунки унда пул-кредит соҳасининг барча жабҳалари тўлиқ ёритилмаган. Шу сабабли айнан пул-кредит сиёсати инструментларининг макроиқтисодий кўрсаткичларга таъсирини аниқлаш учун муаллиф томонидан бир қанча ўзгартиришлар амалга оширилди ва ўтиш даври иқтисодиётининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда янги ўзгарувчилар киритилди. Анъанавий макроиқтисодий моделлардан фарқли равишда, мазкур моделлар тизими пул-кредит тизими ва реал секторларнинг тузилмасини ва уларнинг ўзаро боғлиқликларини ифодалайди, пул-кредит сиёсатининг мавжуд таъсир механизмлари йўналишларини аниқлаш имконини беради ва пул-кредит сиёсати инструментларининг ҳар бир секторнинг маълум кўрсаткичларига билвосита таъсири натижаларини таҳлил қилишга ёрдам беради.

Муаллиф томонидан пулнинг иқтисодиётга таъсири масаласини пулнинг монетаристик назарияси доирасида кўриб чиқилган. Пул таклифини таҳлил қилиш иқтисодиётда пул миқдорига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш имконини беради. Шу билан бирга, иқтисодиётда пул талабини шакллантирувчи омиллар ҳам борки, улар қаторига реал даромад Y ва фоиз ставкасини i киритиш мумкин. Пул талаби ва таклифининг тенглиги шароитида пул бозорида мувозанат ўрнатилади ва бунда нархнинг мувозанат даражаси аниқланади. Пулга бўлган талаб (яъни иқтисодиёт субъектлари ихтиёрида бўлган реал пул маблағлари) унинг харид қобилиятига тенг келиши лозим. Тадқиқотда пулнинг номинал таклифи экзоген тарзда берилган деб ҳисобланиб, нархлар даражаси аниқланган, у реал пул маблағларига бўлган талаб билан белгиланади. Монетаристик ёндашувга биноан, нархлар динамикасини моделлаштириш пул бозорида талаб ва таклифнинг мувозанат ҳолати тахминидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади:

$$\left(\frac{M}{P}\right)^s = \left(\frac{M}{P}\right)^d = L(i, Y) \quad (1)$$

бу ерда $\left(\frac{M}{P}\right)^s$ - реал пул таклифи, $\left(\frac{M}{P}\right)^d$ – пулга бўлган реал талаб, M –

номинал пул таклифи, P – иқтисодиётдаги нархлар даражаси, i – муқобил активлар бўйича номинал фоиз ставкаси, Y – иқтисодиётдаги ялпи даромадлар ёки ялпи ички маҳсулот.

(1) модел логарифмларда қуйидаги кўринишни олади:

$$\ln M - \ln P = \gamma_0 + \gamma_1 \ln Y + \gamma_2 i, \quad (2)$$

Инфляциянинг унча катта бўлмаган суръатларида Фишер тенглиги номинал фоиз ставкасини реал фоиз ставкаси r ва жорий даврда кутиладиган инфляциянинг π^e йиғиндиси сифатида акс эттириш имконини беради:

$$i = r + \pi^e, \quad (3)$$

бу ерда иқтисодий субъектлар инфляциянинг ўтган давридаги қийматига асосланган ҳолда жорий даврда π^e инфляция кутилмаларини белгилайдилар²¹. Инфляциянинг адаптив кутилмалар назариясига асосан, ўтган даврда инфляциянинг ҳақиқатдаги даражаси унинг кутилган даражасидан муайян миқдорга фарқ қилади. Жорий даврдаги инфляция кутилмалари эса ана шу фарқ миқдorigа пропорционал равишда ўзгартирилади:

$$\pi_t^e = \pi_{t-1}^e + \lambda(\Delta p_{t-1} - \pi_{t-1}^e), \lambda \in [0,1] \quad (4)$$

Реал фоиз ставкасини ўзгармас деб ҳисоблаб, шундай хулосага келинадики, пулнинг муқобил даромадлилик даражаси нархлар даражасига уларнинг кутилмалари орқали таъсир кўрсатар экан, бунда кутилмалар нархнинг ўтган даврдаги даражаси билан аниқланади.

Натижада нархлар даражаси пул массаси ва ЯИМдан функция сифатида белгиланади, унинг (логарифмлардаги) динамикаси эса авторегрессия хусусиятига эга:

$$p_t = a_0 + a_1 p_{t-1} + a_2 m_t + a_3 y_t \quad (5)$$

Муаллиф томонидан мазкур тенгламага бозор валюта курси ўзгарувчиси киритилган, бу ўтиш даври иқтисодиётининг ўзига хос хусусиятларини акс эттиради. Зеро, валюта курси пул талаби анъанавий назариясида мавжуд бўлган фоиз ставкаси кўрсаткичининг ўрнига киритилади. Баъзи тадқиқотчиларнинг фикрига кўра²², инфляция даражаси юқори бўлган ва молиявий бозорлари сустривожланган, долларлаштирилган иқтисодиёт шароитида миллий валюта курсининг ўзгариш суръатини (бошқа ҳар қандай фоиз ставкасидан кўра) пулни жамғаришнинг муқобил қиймати кўрсаткичи сифатида қабул қилиш тўғрироқ бўлади. Умумий ҳолатда муаллиф томонидан шакллантирилган иқтисодий-математик моделлар рекурсив тизими қуйидаги кўринишни олади:

²¹ Дробышевский С., Козловская А. Внутренние аспекты денежно-кредитной политики России. - Научные труды ИЭПП. - М.: 2002. – с. 15.

²² Дробышевский С., Козловская А. Внутренние аспекты денежно-кредитной политики России. - Научные труды ИЭПП. - М.: 2002. – с. 31.

Иқтисодий-математик моделлар тизимининг тузилмавий кўриниши²³:

Пул-кредит тизими: пул бозори

$$\begin{cases} PM^{takl} = PMULT + PBAZA \\ pbaza = f_1(majzn, qms, interv) \\ pmult = f_2(m0 / m2, kredst, depst, kurs) \\ PM^{takl} = PM^{talab} \\ PM^{talab} - infl = f_3(yaim, kredst, kurs) \end{cases}$$

Пул-кредит тизими: кредит бозори

$$\begin{cases} depst = f_4(qms, majzn, m0) \\ kredst = f_5(qms, depozit) \\ depozit = f_6(daromad, depst, dam2008) \end{cases}$$

Реал сектор

$$\begin{cases} iste'mol = f_7(daromad, depst, kurs) \\ invest = f_8(kredst, rent, soliq) \\ import = f_9(kurs, daromad, invest, boj) \\ eksport = f_{10}(kurs, kredst, soliq) \\ YaIM = ISTE'MOL + INVEST + DAVL + EKSP - IMP \end{cases}$$

бу ерда *pbaza* - пул базаси; *pmult* - пул мультипликатори; PM^{takl} - иқтисодиётдаги пул таклифи, PM^{talab} - иқтисодиётдаги пулга бўлган талаб, *qms* - қайта молиялаштириш ставкаси; *majzn* - мажбурий заҳиралар нормаси; *interv* - Марказий банкнинг валюта интервенциялари; *m0/m2* - нақд пулларнинг пул массасидаги улуши; *kredst* - кредитлар бўйича фоиз ставкаси; *depst* - депозитлар бўйича фоиз ставкаси; *daromad* - аҳолининг номинал даромадлари; *kurs* - сўмнинг АҚШ доллариға нисбатан бозор валюта курси; *kredit* - иқтисодиётга ажратилган кредитлар ҳажми; *depozit* - тижорат банкларида аҳоли депозитларининг қолдиқлари; *iste'mol* - истеъмол ҳажми; *invest* - асосий капиталға киритилган инвестициялар; *import (IMP)* - импорт ҳажми; *eksport (EKSP)* - экспорт ҳажми; *yaim* - ялпи ички маҳсулот; *boj* - божхона божларининг давлат бюджетидаги улуши; *rent* - саноатдаги рентабеллик нормаси, *soliq* - бевосита солиқларнинг ЯИМдаги улуши; *infl* - инфляция суръати; *davl* - давлат бюджети, *dam2000* - шартли ўзгарувчи, унинг қиймати 1-чорак 2000 й. дан 4-чорак 2005 й.гача 1га, бошқа даврда 0га тенг; *dam2008* - шартли ўзгарувчи, унинг қиймати 2008 йил 4-чорагидан 2009 йил 3-чорагигача 1га, қолган даврда 0га тенг; *dammi* - шартли ўзгарувчи, унинг қиймати 2003 йил 3,4-чоракларида 1га, қолган даврда 0га тенг.

Ишлаб чиқилган моделлар тизими рекурсив тенгламалар тизимини ташкил қилади, бунда бир моделнинг эндоген ўзгарувчиси навбатдаги

²³ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

моделнинг экзоген ўзгарувчиси сифатида қабул қилинган. Тадқиқот ишида иқтисодий-математик моделлар тизимини баҳолаш қуйидаги натижаларни берди, бунда ўзгарувчилар коэффицентлари тагида қавс ичида уларнинг t-статистикаси, квадрат қавс ичида эса стандарт четланишлари келтирилган:

Пул-кредит тизими: пул бозори

$$\left\{ \begin{array}{l} \ln pbaza_t = -3.48 \cdot \ln qms_t + 0.14 \cdot \ln interv_{t-1} + 16.10 \\ \quad \quad \quad \begin{array}{ccc} (-5.715) & (4.062) & (9.311) \\ [0.609] & [0.035] & [1.729] \end{array} \\ \ln pmult_t = -0.84 \cdot \ln m0/m2_t - 0.13 \cdot \ln kredst_t + 0.08 \cdot \ln depst_t + 0.06 \\ \quad \quad \quad \begin{array}{ccc} (-7.870) & (-5.313) & (2.129) \\ [0.107] & [0.025] & [0.035] \end{array} \quad \begin{array}{c} (0.483) \\ [0.314] \end{array} \\ \ln infl_t = 0.92 \cdot \ln infl_{t-1} + 0.002 \cdot \ln kurs_t + 0.26 \cdot \ln m2_t - 0.68 \cdot dammi - 0.76 \\ \quad \quad \quad \begin{array}{ccccc} (15.11) & (2.86) & (2.58) & (1.85) & (-1.70) \\ [0.06] & [0.0005] & [0.09] & [0.36] & [0.44] \end{array} \end{array} \right.$$

Пул-кредит тизими: кредит бозори

$$\left\{ \begin{array}{l} \ln depst_t = 0.53 \cdot majzn_t - 0.85 \cdot \ln m0_m2_{t-1} + 0.20 \cdot dam2000 + 0.92 + AR(1) \\ \quad \quad \quad \begin{array}{ccc} (4.29) & (-4.41) & (4.85) \\ [0.12] & [0.19] & [0.04] \end{array} \quad \begin{array}{c} (2.53) \\ [0.36] \end{array} \\ \ln kredst_t = -0.14 \cdot \ln depozit_t + 0.62 \cdot \ln qms_t + 1.80 \\ \quad \quad \quad \begin{array}{ccc} (-3.31) & (13.01) & (8.40) \\ [0.04] & [0.04] & [0.21] \end{array} \\ \ln depozit_t = 0.60 \cdot daromad_{t-3} + 0.30 \cdot dam2008 - 0.13 \cdot dam2000 + 1.90 \\ \quad \quad \quad \begin{array}{ccc} (4.83) & (2.82) & (-1.79) \\ [0.12] & [0.10] & [0.07] \end{array} \quad \begin{array}{c} (4.48) \\ [0.42] \end{array} \end{array} \right.$$

Реал сектор

$$\left\{ \begin{array}{l} \ln iste'mol_t = 0.97 \cdot \ln daromad_t - 0.06 \cdot \ln kurs_t + 0.43 \\ \quad \quad \quad \begin{array}{ccc} (41.16) & (-2.50) & (20.21) \\ [0.02] & [0.02] & [0.02] \end{array} \\ \ln invest_t = -2.03 \cdot \ln kredst_{t-3} + 2.74 \cdot sanoat_t + 2.38 + AR(1) \\ \quad \quad \quad \begin{array}{ccc} (-2.49) & (5.29) & (0.75) \\ [0.81] & [0.51] & [3.15] \end{array} \\ \ln import_t = -0.18 \cdot \ln kurs_t + 0.51 \cdot \ln daromad_{t-1} + 0.15 \cdot \ln invest_t - 0.38 \cdot \ln boj_{t-1} + 3.96 \\ \quad \quad \quad \begin{array}{ccc} (-1.32) & (5.75) & (3.11) \\ [0.13] & [0.08] & [0.04] \end{array} \quad \begin{array}{cc} (-4.55) & (4.09) \\ [0.08] & [0.96] \end{array} \\ \ln eksport_t = -0.10 \cdot \ln kurs_t - 0.34 \cdot \ln kredst_{t-1} - 0.89 \cdot \ln soliq_{t-2} + 7.82 \\ \quad \quad \quad \begin{array}{ccc} (-2.79) & (-1.73) & (-1.93) \\ [0.03] & [0.19] & [0.46] \end{array} \quad \begin{array}{c} (5.75) \\ [1.35] \end{array} \end{array} \right.$$

Моделлар тизими асосан энг кичик квадратлар усули ҳамда гетероскедастиклигини ҳисобга олувчи GARCH(k,p) услуги ёрдамида баҳоланган. Олинган натижалар ва коэффицентлар қийматлари барқарорлик ва аҳамиятлилик даражасига текширилган. Қуйидаги жадвалда моделларнинг барқарорлик хусусиятлари келтирилган (2-жадвалга қаранг). 2-жадвалдан акс эттирилганидек, баҳоланган иқтисодий-математик моделларнинг детерминация коэффицентлари юқори, Фишер ҳамда Дарбин-Уотсон статистикалари қониқарлидир. Ишлаб чиқилган иқтисодий-математик моделлар тизими асосида олиб борилган ҳисоб-китоблар шуни кўрсатдики, 2000-2003 йилларда валюта курсининг инфляцияга таъсири даражаси анчагина юқори бўлган, бошқача айтганда мазкур даврда инфляция суръати асосан валюта курсининг динамикаси билан белгиланган. Сўмнинг АҚШ доллариға нисбатан бозор

алмашув курсининг ўсиш суръати юқори бўлганлиги сабабли, мазкур даврда инфляциянинг ўсиш суръати ҳам юқори даражада бўлган.

2-жадвал

Иқтисодий-математик моделлар рекурсив тизимида келтирилган моделларнинг барқарорлик кўрсаткичлари²⁴


№	Модел тури	Детерминация коэффициенти R^2	Фишер статистикаси F-stat (эҳт. даражаси-0,01)		Дарбин- Уотсон статистикаси DW-stat
			$F_{\text{ҳақ}}$	$F_{\text{жадов}}$	
1	Пул базаси модели	0.900139	45.0694	>7,56	1.517735
2	Пул мультипликатори модели	0.853390	34.92483	>5,09	1.535763
3	Инфляция модели	0.723036	14.54462	>3,51	2.463147
4	Депозит фоиз ставкаси модели	0.849985	31.56779	>4,31	1.812159
5	Кредит фоиз ставкаси модели	0.877313	89.38554	>5,57	1.700876
6	Депозитлар ҳажми модели	0.723048	20.01561	>4,76	1.319904
7	Истеъмол модели	0.985746	401.1110	>5,39	2.047615
8	Инвестициялар модели	0.868447	70.41572	>5,39	1.937683
9	Импорт модели	0.892452	39.41618	>4,50	2.418958
10	Экспорт модели	0.793303	31.98329	>4,68	1.527743

Хусусан, 2000-2003 йилларда инфляция суръатининг ўртача қиймати 23,8 фоиз бўлган бўлса, тадқиқотда таклиф қилинаётган моделлар шуни кўрсатдики, мазкур даврда бозор валюта алмашув курсининг ўртача 37,8 фоизга ортиши инфляциянинг 15,6 фоиз ўсишини таъминлаган. Бошқача айтганда, бозор алмашув курси 37,8 фоизга ошмаслиги шароитида инфляция суръати 8,2 фоиз даражасида бўлган бўлар эди. Демак, шу йилларда валюта курсининг ошиб бориши инфляция ўсиш суръатининг тахминан 65 фоизини аниқлаган. 2004-2008 йиллар давомида валюта курсининг инфляцияга таъсири пасайиб, унинг ўрнини пул массаси динамикаси эгаллаган. Яъни бунда инфляцияга монетар омиллар тобора кўпроқ таъсир кўрсата бошлаган. 2003 йилдан эътиборан инфляциянинг кескин пасайишига олиб келган асосий сабаблардан бири бу Халқаро Валюта Фонди Битимининг 8-моддасига имзо чекилганлиги ҳисобланади. Шу билан бирга, инфляция даражасининг пасайишига олиб келган бошқа сабабларга қуйидагилар киради. Биринчидан, шу даврда пул массасининг товар билан таъминланмаган ўсишига олиб келувчи иккита сабаб бартараф қилинди. Яъни, 2003 йилдан бошлаб Марказий банкнинг давлат бюджети камомадини қоплаш учун кредит бериш амалиёти тўхтатилди. Иккинчидан, Марказий банк томонидан марказлашган кредит ажратишга барҳам берилди. Учинчидан, Давлат статистика қўмитаси томонидан истеъмол нархлари индексини ҳисоблашда 2003 йилдан янги, республика истеъмол бозоридаги хусусиятларни ҳисобга олган методологиядан фойдаланиш йўлга қўйилди. Мазкур омиллар 2003 йилда инфляциянинг пасайишига сабаб бўлди.

Қуйидаги 2-расмда иқтисодий-математик моделлар рекурсив тизимида ўзгарувчилар ўртасидаги мавжуд боғлиқликлар акс эттирилган. Чизма

²⁴ Муаллифнинг ҳисоб-китоблари асосида тузилган.

асосидаги таҳлил шуни кўрсатмоқдаки, иқтисодий фаолликни ошириш ва ишлаб чиқаришнинг кенгайишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкасини 1 фоизга пасайтириши иқтисодиётнинг бир нечта соҳасида бир вақтда акс таъсирга эга бўлади.



2-расм. Иқтисодий-математик моделлар рекурсив тизимининг тузилмавий чизмаси²⁵

Биринчи акс таъсир пул-кредит тизимида рўй беради. Қайта молиялаштириш ставкасининг пасайиши тижорат банклари учун Марказий

²⁵ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

банкдан оладиган кредитлар харажатларини камайтиради, демак уларнинг кредит ресурслари ортади. Натижада пул базаси тахминан 15-18 фоизга ошади. Шу билан бирга, қайта молиялаштириш ставкасининг пасайиши натижасида кредит фоиз ставкаси 1-1,2 фоизга пасаяди. Бу эса банк кредитларига бўлган талабни оширади, бу билан иқтисодиётда мультипликация жараёни тезлашиб, пул мультипликаторининг 4-4,5 фоизга ортиши кузатилади. Шундай қилиб, қайта молиялаштириш ставкасининг пасайиши умумий натижада иқтисодиётда пул массасининг 23-23,5 фоизга ортишини таъминлайди. Пул массаси инфляция даражасига таъсир қилади ва уни 8-9 фоизга оширади. Иккинчи акс таъсир ишлаб чиқариш соҳасида юз беради. Кредит фоиз ставкасининг пасайиши (қайта молиялаштириш ставкасининг 1 фоизга пасайтирилиши натижасида) ЯИМнинг таркибий қисмларига, хусусан инвестициялар ва экспорт ҳажмига таъсир қилади. Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатдики, пасайган кредит фоиз ставкаси инвестициялар миқдорини 5-6 фоизга оширади. Ишлаб чиқаришнинг кенгайтирилиши, янги лойиҳаларнинг амалга оширилиши замонавий техник ва технологик қайта куруланишни талаб этади, бу импорт ҳажмининг ўсишида акс этади, у 10-12 фоизни ташкил қилади. Инвестицияларнинг ортиши ЯИМга ижобий таъсир қилса, импортнинг ошиши салбий таъсирга эга. Алоҳида қаралганда, инвестицияларнинг ошиши ўз навбатида ЯИМнинг 4-5 фоизга ошишини, импортнинг ортиши эса мос равишда 4-4,5 фоизга камайишини таъминлайди. Агар барча омилларнинг таъсирини ҳисобга олинадиган бўлса, якуний натижада ЯИМ 1-1,2 фоизга ортади.

Тадқиқот ишида олиб борилган ҳисоб-китоблардан шундай хулосага келинадики, бошқа омилларнинг ўзгармаслиги шароитида, Марказий банк қайта молиялаштириш ставкасининг 1 фоизга пасайтирилиши ЯИМнинг 1-1,2 фоиз ўсишини таъминлайди, бунда инфляциянинг ўсиш суръати 8-9 фоизни ташкил қилади. Демак, қайта молиялаштириш ставкасини пасайтириш орқали Марказий банк иқтисодиётнинг ўсишини таъминлаши мумкин, лекин унинг муқобил харажатлари сифатида инфляциянинг ошиши рўй беради.

Муаллиф томонидан амалга оширилган ҳисоб-китоблар натижасига асосан, таклиф қилинаётган иқтисодий-математик моделлар рекурсив тизими асосида 2009 йилда ЯИМ ўсиш суръати 9,0 фоизни, ҳақиқатда эса 8,1 фоизни ташкил этмоқда. Бундан хулоса қилинадики, муаллиф томонидан таклиф қилинаётган иқтисодий-математик моделлар рекурсив тизими қониқарли башорат хусусиятларига эгадир.

Тадқиқот ишида муаллиф томонидан таклиф қилинган иқтисодий-математик моделлар рекурсив тизими асосида, прогнозлашнинг экстраполяция ва мақсадли прогноз усулларида фойдаланилган ҳолда 2010-2012 йилларда қайта молиялаштириш ставкаси ва мажбурий заҳиралар нормасининг турли даражаларида ЯИМ ва инфляция суръатининг ўзгариш тенденцияси прогноз қийматлари ҳисобланган. Маълумки, одатда қайта молиялаштириш ставкаси инфляция даражасидан паст қийматда белгиланмайди. Шунингдек, ҳозирги кунда Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси даражасининг 14 фоиз эканлигидан келиб чиқиб, прогноз вариантлари ишлаб чиқилди. Бунда

қайта молиялаштириш ставкасининг 12, 13, 14,5 ва 15 фоиз бўлгандаги ва мажбурий захиралар нормасининг 13-17 фоиз оралиғида бўлишига мос келувчи прогнознинг турли вариантлари келтирилди (3-жадвал).

Олинган баҳолаш натижаларини акс эттирувчи 3-жадвал шуни кўрсатмоқдаки, ривожланишнинг иккинчи вариантида қайта молиялаштириш ставкасининг 13 фоизгача пасайтирилиши 2010 йилда ЯИМнинг 8,7-9,6 фоиз ўсишини таъминлайди. Қайта молиялаштириш ставкасининг таъсир механизми муаллиф томонидан қуйидагича изоҳланади: қайта молиялаштириш ставкаси 1 фоизга пасайгани сабабли тижорат банкларининг кредит ресурслари миқдори тахминан 20-22 фоизга ортади. Демак, банklar томонидан иқтисодиётга бериладиган кредит маблағлари миқдори ортиб, инвестицион фаоллик жадаллашади, натижада асосий капиталга инвестициялар ҳажми кўшимча 5-6 фоиз ошади. Қайта молиялаштириш ставкасининг пасайиши бир вақтнинг ўзида кредитлар фоиз ставкасига ҳам таъсир кўрсатади ва уни 1-1,5 фоизга туширади. Натижада экспорт маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг кредит ресурсларга бўлган талаби ортади ва экспорт ҳажмининг ўсиши юз беради. Қайта молиялаштириш ставкасининг пасайиши билан бирга иқтисодиётдаги пул массасининг ҳажми ҳам ортади, бу инфляция суръатининг 8,7-10,7 фоизга ўсишини таъминлайди.

3-жадвал

ЯИМ ўсиш суръати ва инфляция даражасининг прогноз қийматлари, фоизда²⁶

Вариантлар		Қайта молиялаштириш ставкаси			
Йиллар/кўрсаткич		12%	13%	14,5%	15%
2010	ЯИМ	9.2-10.4	8.7-9.6	7.8-9.1	6.0-7.8
	Инфляция	9.3-11.2	8.7-10.7	5.7-7.9	4.6-6.2
2011	ЯИМ	9.8-10.6	8.3-9.9	7.0-8.5	5.9-7.3
	Инфляция	10.5-12.4	8.9-10.5	5.3-6.6	3.9-5.1
2012	ЯИМ	10.6-11.3	9.2-10.1	6.9-7.7	5.3-6.5
	Инфляция	10.9-12.6	9.2-10.9	4.8-5.9	3.0-4.5
2015	ЯИМ	10.9-12.0	9.8-11.7	6.7-7.9	5.0-6.1
	Инфляция	12.2-14.9	10.4-11.8	3.9-5.1	2.1-3.7

3-жадвалда келтирилган прогноз баҳоларига асосан, инфляция суръатининг пасайишини таъминлаш учун қайта молиялаштириш ставкасини ошириш ҳам мумкин, бунда инфляция 4,6-6,2 фоиз даражасида бўлиши кутилади. Бироқ шу даврда ЯИМнинг ўсиши 6,0-7,8 фоизгача пасаяди. Муаллиф прогноз ҳисоб-китобларининг кўрсатишича, иқтисодий ўсишнинг яна бир варианты мавжуд бўлиб, унда қайта молиялаштириш ставкаси 14,5 фоиз даражасида белгиланади. Бошқа вариантлардан кўра бу йўқотишлар катталиги жиҳатидан энг оптимал ва қулай вариант бўлиб, унда инфляциянинг 5,7-7,9 фоиз даражасида ЯИМнинг 7,8-9,1 фоиз ўсишига эришилади, яъни иккала

²⁶ Муаллиф томонидан ҳисоблаб чиқилган.

кўрсаткич ҳам мақсадли даражалар доирасида бўлади. Бошқача айтганда, агар ҳозирги кунда Марказий банк томонидан инфляциянинг ва ЯИМ ўсишининг мақсадли даражаси мос равишда 7-9 фоиз ва 8-9 фоиз атрофида бўлса, муаллиф прогнози натижаларига кўра, қайта молиялаштириш ставкасининг 14,5 фоиз этиб белгиланиши инфляциянинг белгиланган доирасидан пастроқ даражада ҳам ЯИМ ўсишининг мақсадли кўрсаткичига эришиш имконини беради. Бундан ташқари, мазкур вариантнинг прогнозли кўрсаткичлари Аҳоли фаровонлигини ошириш Стратегиясида белгиланган прогнозли кўрсаткичлари билан мос тушади. Умуман олганда, муаллиф фикрига кўра, ҳозирги шароитдан келиб чиқиб, қайта молиялаштириш ставкасининг 14-15 фоиз доирасида ушлаб турилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

ХУЛОСА

Тадқиқот натижаларига асосланган ҳолда қуйидаги хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилди.

1. Макроиктисодий моделлаштиришнинг замонавий ёндашувларини умумлаштириш ва таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатмоқдаки, миллий иқтисодиётнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, ҳозирги кунда монетар сиёсатнинг иқтисодиётга таъсирини моделлаштиришда энг кичик квадратлар услуби билан бир қаторда хатолар коррекцияси ва векторли авторегрессиялар ёндашувларини қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади.

2. Тадқиқот ишида иқтисодиётнинг пул-кредит тизими ва реал секторларининг тузилмаси ва ўзаро таъсирини акс эттирувчи иқтисодий-математик моделлар рекурсив тизимини яратиш амалга оширилган. Шу билан бирга моделлар тизимидаги ҳар бир секторга пул-кредит сиёсати инструментларининг билвосита таъсири ҳисобга олинган ва унинг механизми аниқланган.

3. Тадқиқотда таклиф этилган иқтисодий-математик моделлар тизими ўн та тенглама ва учта тенгликдан иборат бўлиб, моделлаштиришнинг замонавий назарий концепцияларини ўзида мужассам этади. Яратилган иқтисодий-математик моделлар рекурсив тизимининг назарий асослари сифатида кейнсча ва монетаристик пул назарияларининг асосий қарашлари қабул қилиб олинган. Моделлар тизимидаги тузилмавий боғлиқликлар асосий макроиктисодий кўрсаткичларни ўзаро боғловчи ҳамда очиқ иқтисодиётнинг товарлар ва пул бозоридаги мувозанат ҳолатини акс эттирувчи IS-LM моделига асосланади.

4. Тадқиқот ишида иқтисодий-математик моделлар рекурсив тизимини баҳолашда ва унинг секторлар ўртасидаги боғлиқликларни тадқиқ қилишда моделлаштиришнинг икки хил ёндашуви қўлланган. Биринчи ёндашув асосан энг кичик квадратлар усулига асосланиб, унда рекурсив тенгламалар тизими ёрдамида ўзгарувчилар ўртасидаги асосий боғлиқликлар аниқланган ва баҳоланган. Иккинчи ёндашувда узоқ муддатли коинтеграция муносабати асосида хатолар коррекцияси моделлари тузилган. У биринчи ёндашув асосида олинган натижаларнинг ҳаққонийлигини текшириш имконини беради. Бундан

ташқари, иккинчи ёндашув ўзгарувчилар ўртасида аввал аниқланмаган узоқ ва қисқа муддатли боғлиқликларни алоҳида акс эттириш имконини беради. Биринчи ёндашув асосида баҳоланган моделлар тизимининг прогнозлаш хусусиятлари қоникарлидир, бу эса унинг барқарорлигидан далолат беради.

5. Ишлаб чиқилган иқтисодий-математик моделларнинг рекурсив тизими асосида аниқландики, кредит фоиз ставкасининг белгиланишида аҳоли депозитлари миқдори муҳим омил ҳисобланади. Депозитлар ҳажмининг пасайиши натижасида тижорат банклари кредит ресурслари миқдорининг камайиши ҳамда иқтисодиётга ажратиладиган кредитлар фоиз ставкасининг ошиши юз беради. Бу эса, ўз навбатида, ишлаб чиқаришнинг пасайишига олиб келиши мумкин. Кредит фоиз ставкаларининг пасайишини таъминлаш учун тижорат банкларининг кредит ресурслари ҳажмини ошириш лозим. Бунинг учун эса тижорат банклари активларида аҳолининг узоқ муддатли депозитлари улушининг ортишини рағбатлантириш талаб этилади. Узоқ муддатли депозитлар ҳажмининг ошиши натижасида пул массаси банк тизимидан чиқиб кетмайди ва мультипликация занжири узайтирилади.

6. Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган иқтисодий-математик моделлар рекурсив тизими асосида, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Аҳоли фаровонлигини ошириш Стратегиясининг прогнозли кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда тадқиқот ишида ЯИМ ўсиш суръати ва инфляция даражасининг прогнозли қийматлари ҳисоблаб чиқилган. Бунда прогнозлашнинг экстраполяция ва мақсадли прогноз усулларида фойдаланилди. Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган монетар сиёсатнинг билвосита инструментларига боғлиқ ҳолда миллий иқтисодиётнинг истиқболдаги ривожланишининг бир неча вариантлари ишлаб чиқилди.

7. Прогноз баҳоларига асосан, ўрта муддатли даврда инфляциянинг мақсадли кўрсаткичлар доирасида бўлиши ва ЯИМнинг барқарор ўсишини таъминлаш мақсадида қайта молиялаштириш ставкасини 14,5 фоиз даражасида белгилаш мақсадга мувофиқ бўлади. Шу билан бирга қайта молиялаштириш ставкаси 14-15 фоиз чегарасида тебраниб туриши мумкин. Бундан ташқари, пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштиришнинг зарур шарт-шароитлари ва имкониятлари мавжуд.

8. Пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштиришнинг йўналишларидан бири бу инфляцияни таргетлаш тизимига ўтишдир. Бунда Марказий банк учун инфляциянинг мақсадли даражасини белгилаш орқали нархларнинг барқарорлигига эришиш ва бир вақтнинг ўзида иқтисодиётда ишлаб чиқаришнинг ўсишини таъминлаш имконияти ошади. Инфляцияни таргетлаш тизимини самарали амалга ошириш пул-кредит сиёсатининг ўзига хос инструменти бўлган фоиз ставкасининг роли ва аҳамиятини оширади. Демак, яқин истиқболда Марказий банк кўпроқ фоиз ставкасини ўзгартириш орқали фаол монетар сиёсатни амалга ошириши мақсадга мувофиқдир.

9. Жаҳон мамлакатлари амалиётининг таҳлили шуни кўрсатдики, инфляцияни таргетлаш борасида пул-кредит сиёсатининг асосий якуний мақсади аниқ ва қатъий белгиланган бўлиши талаб этилади. Муаллиф фикрига кўра, миллий иқтисодиётда пул-кредит сиёсатида инфляцияни таргетлаш

тизими борасидаги қонунчилик асослари янада кенгроқ ва аниқроқ ишлаб чиқирилиши лозим. Яъни инфляцияни таргетлаш тизимининг тўлиқ жорий этилиши учун Марказий банкнинг бош мақсади сифатида “нархлар барқарорлигини таъминлаш”ни қабул қилиш мақсадга мувофиқ. Шунга асосан, Ўзбекистон Республикаси “Марказий банки тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддасидаги “миллий валюта барқарорлиги” тушунчасини “миллий валюта харид қобилиятининг барқарорлиги ва узоқ муддатли барқарор иқтисодий ўсиш” тушунчалари билан ўзгартириш таклиф этилди. Бундан ташқари, мазкур Қонуннинг “Монетар сиёсатнинг асосий йўналишлари” деб номланган 23-моддасига қўшимча “инфляция ўсиш суръатининг аниқ мақсадли кўрсаткичларини” бандини киритиш таклиф қилинмоқда. Келтирилган таклифлар пул-кредит сиёсатида инфляцияни таргетлаш тизимини жорий этишда мустахкам қонунчилик асосларини яратишга хизмат қилади.

10. Мамлакатда барқарор узоқ муддатли иқтисодий ўсишни таъминлаш иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришлар билан биргаликда амалга оширилиши лозим. Бошқача айтганда, мамлакатнинг инновацион тараққиёт йўлига ўтиш ҳозирги замон талабидир. Инновацион тараққиёт асосан мамлакатда фан-техника тараққиёти билан узвий боғлиқдир. Шунингдек, иқтисодиётнинг инновацион ривожланиши кўп жиҳатдан кенг миқёсдаги инвестицияларнинг киритилишини талаб қилади. Бу эса, пул-кредит сиёсатининг асосий инструменти бўлган фоиз ставкасининг роли ва аҳамиятини янада оширади. Демак, яқин истиқболда олиб борилаётган монетар сиёсатни амалга оширишда асосан фоиз ставкасининг кўпроқ ўзгартириб турилиши асосида инвестицион фаолиятни янада рағбатлантириш зарур ҳисобланади.

11. Тадқиқот иши натижасида олинган таклиф ва тавсиялар шуниндек, Инқирозга қарши чоралар Дастурида белгиланган асосий йўналишлардан бири бўлган банк ишини янада такомиллаштириш, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш маблағларини тижорат банклари депозитларига жалб қилишни рағбатлантириш каби асосий вазифаларни амалга оширишга хизмат қилади.

ЧОП ЭТИЛГАН ИЛМИЙ ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Якубова Ш.Ш., Тожиев Р.Р. Халқаро валюта-кредит муносабатлари курсидан масалалар тўплами / Ўқув-услубий қўлланма. – Тошкент: ТДИУ, 2005. – 106 б.

2. Якубова Ш.Ш., Ҳакимов И.С., Тожиев Р.Р. Халқаро валюта-кредит муносабатлари / Ўқув қўлланма. - Тошкент: ТДИУ, 2006. – 290 б.

3. Якубова Ш.Ш., Тожиев Р.Р. Прогнозирование финансовых кризисов // 19-е Международные Плехановские чтения: Тезисы докладов. 2 февраля 2006 г. – Москва, 2006. – с. 194-195.

4. Якубова Ш.Ш. Банк кредитлари молиялаштиришнинг асосий манбаи сифатида // Иқтисодиётни модернизациялаш ва жамиятни янгилашнинг устувор йўналишлари: Университет ёш олимлари, магистрантлари ва талабалари

илмий-амалий анжуманининг маърузалар тўплами. 28-29 апрел 2006. – Тошкент, 2006. – 239-242 б.

5. Якубова Ш.Ш. Факторы, влияющие на валютный курс. Эффект Фишера // Иқтисодий тараққиёт ислохотларининг назарий ва амалий асослари: Магистратура талабаларининг илмий-амалий анжуманининг маърузалар тўплами. 26-27 май 2006. - Тошкент, 2006. – 209-211 б.

6. Якубова Ш.Ш. Монетар сиёсатнинг мамлакат иқтисодий ўсишига таъсири // Иқтисодиёт ва таълим. – Тошкент, 2006. - №3. – 91-95 б.

7. Рашидов О.Ю., Якубова Ш.Ш. Валюта дилинги назарияси ва амалиёти / Ўқув қўлланма. - Тошкент: ТДИУ, 2007. – 215 б.

8. Якубова Ш.Ш. Асосий дастак // Солиқ тўловчининг журнали. - Тошкент, 2007. - №12. – 41-42 б.

9. Якубова Ш.Ш. Ставка рефинансирования как основной инструмент денежно-кредитной политики // Мустақил Ўзбекистон ёшларининг илм-фан тараққиётидаги фаолияти: ТДИУ ёш олимлар илмий-амалий анжумани. Маърузалар тўплами. 31 май 2008. – Тошкент, 2008. – 235-237 б.

10. Якубова Ш.Ш. Анализ влияния ставки рефинансирования на экономический рост // Иқтисодиёт ва таълим. – Тошкент, 2008. - №3. – 92-96 б.

11. Якубова Ш.Ш. Проблемы внедрения косвенных инструментов денежно-кредитной политики // 22-е Международные Плехановские чтения: Тезисы докладов. 10 апреля 2009 г. – Москва, 2009. – с. 349-350.

12. Якубова Ш.Ш. Денежно-кредитная политика Центрального банка в условиях мирового финансового кризиса // Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари: Республика илмий-амалий анжумани мақолалари тўплами. 5 май 2009. – Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 164-170 б.

13. Якубова Ш.Ш. Монетар сиёсатнинг иқтисодий ўсишга таъсирини моделлаштиришнинг замонавий ёндашувлари ва моделлари // Иқтисодиёт ва таълим. – Тошкент, 2010. - №3. -115-119 б.

**Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига талабгор
Якубова Шамшинур Шухратовнанинг 08.00.06 – “Эконометрика ва
статистика” ихтисослиги бўйича “Пул-кредит сиёсатида қўлланиладиган
инструментларни макроиқтисодий моделлаштириш”**

мавзусидаги диссертациясининг

РЕЗЮМЕ СИ

Таянч (энг муҳим) сўзлар: иқтисодий-математик моделларнинг рекурсив тизими; иқтисодий ўсиш; пул-кредит сиёсати; трансмиссия механизми; макроиқтисодий моделлаштириш; қайта молиялаштириш ставкаси; мажбурий заҳиралар нормаси, инфляция.

Тадқиқот объектлари: Тадқиқот объекти бўлиб Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган пул-кредит сиёсати ҳисобланади.

Ишнинг мақсади: Миллий иқтисодиётнинг барқарор ўсиш суръатини таъминлаш борасида эконометрик моделларни ишлаб чиқиш ва уларни тадбиқ этиш асосида пул-кредит сиёсати механизмларини такомиллаштириш бўйича илмий таклифлар ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот методлари: Диссертацияда мантикий, қиёсий, статистик таҳлил, илмий абстракциялаш, иқтисодий-математик моделлаштириш, хатолар коррекцияси, экстраполяция ҳамда мақсадли прогнозлаш услубларидан самарали фойдаланилди.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: Республикамизда монетар сиёсат инструментларининг макроиқтисодий кўрсаткичларга таъсирини ақс эттирувчи иқтисодий-математик моделларнинг рекурсив тизими ишлаб чиқилган. Жумладан: монетар сиёсат инструментларининг иқтисодий ўсишга таъсир механизмларини баҳолашнинг назарий-услубий асослари яратилган; қайта молиялаштириш ставкаси ва мажбурий заҳиралар нормаси каби монетар сиёсат инструментларининг макроиқтисодий кўрсаткичларга таъсирини моделлаштиришнинг эконометрик усуллари таклиф қилинган; таклиф қилинган усуллар асосида иқтисодий-математик моделлар рекурсив тизими ишлаб чиқилган, монетар инструментларнинг пул массаси ва макроиқтисодий кўрсаткичларга таъсири сон ва сифат жиҳатдан баҳоланган; қайта молиялаштириш ставкасининг турли даражасида ялпи ички маҳсулот ва инфляцияни ўзгариш динамикасининг ўрта муддатдаги прогноз кўрсаткичлари ҳисобланган; монетар сиёсат инструментларини такомиллаштириш борасида амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Амалий аҳамияти: Пул-кредит сиёсати инструментларини моделлаштиришнинг таклиф қилинган усуллари, ишлаб чиқилган эконометрик моделлар рекурсив тизими ва прогнозли кўрсаткичлардан миллий валюта барқарорлигини таъминлаш ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш борасидаги пул-кредит сиёсатини олиб бориш ва такомиллаштиришда, миллий иқтисодиётнинг истикболдаги ривожланишини белгиловчи дастурларни ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

Тадбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: Тадқиқот ишида олинган натижалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Прогнозлаштириш ва Макроиқтисодий тадқиқотлар институтида пул-кредит сиёсатини таҳлил қилиш ва прогнозлаштириш лойиҳаларида (175-сонли далолатнома, 18.05.2010й.) фойдаланиш учун қабул қилинган. Шунингдек, диссертация ишининг асосий натижаларидан Тошкент давлат иқтисодиёт университети (02-1736-сонли маълумотнома, 17.05.2010й.) ўқув жараёнида фойдаланилмоқда.

Қўлланиш (фойдаланиш) соҳаси: Ўзбекистон Республикаси банк тизими.

РЕЗЮМЕ

диссертации Якубовой Шамшинур Шухратовны на тему:
«Макроэкономическое моделирование инструментов денежно-кредитной политики» на соискание ученой степени кандидата экономических наук по специальности 08.00.06 – “Эконометрика и статистика”

Ключевые слова: рекурсивная система экономико-математических моделей, экономический рост; денежно-кредитная политика; трансмиссионный механизм; макроэкономическое моделирование; ставка рефинансирования; норма обязательных резервов, инфляция.

Объекты исследования: Объектом исследования является денежно-кредитная политика, проводимая в Республике Узбекистан.

Цель работы: На основе разработки и применения эконометрических моделей выработка научных предложений и практических рекомендаций по совершенствованию механизмов денежно-кредитной политики в целях обеспечения устойчивого экономического роста национальной экономики.

Методы исследования: В диссертации применены логический, сравнительный и статистический анализ, метод научной абстракции, методы экономико-математического моделирования, коррекции ошибок, методы экстраполяции и целевого прогноза.

Полученные результаты и их новизна: Разработана рекурсивная система экономико-математических моделей, отражающая влияние инструментов монетарной политики на макроэкономические показатели. В частности: созданы теоретико-методологические основы оценки механизмов влияния инструментов монетарной политики на экономический рост; предложены эконометрические методы моделирования влияния ставки рефинансирования и нормы обязательных резервов на макроэкономические показатели; на основе предложенных методов разработана рекурсивная система экономико-математических моделей, проведена количественная оценка влияния инструментов денежно-кредитной политики на параметры денежного рынка и конечные макроэкономические результаты; рассчитаны прогнозные значения прироста ВВП и темпа инфляции в среднесрочном периоде в зависимости от разного уровня ставки рефинансирования и нормы обязательных резервов; обоснованы предложения по дальнейшему совершенствованию инструментов монетарной политики.

Практическая значимость: Предложенные методы моделирования инструментов денежно-кредитной политики, разработанная рекурсивная система экономико-математических моделей, а также прогнозные оценки динамики ВВП и темпа инфляции могут быть применены при разработке программ перспективного развития экономики, при определении дальнейших основных средне- и долгосрочных задач денежно-кредитной политики по обеспечению стабильности национальной валюты и устойчивого экономического роста в стране.

Степень внедрения и экономическая эффективность: полученные результаты и прогнозные оценки моделей приняты для применения в проектах по анализу и прогнозированию денежно-кредитной политики, осуществляемые в Институте прогнозирования и макроэкономических исследований при Кабинете Министров Республики Узбекистан (Акт №175 от 18.05.2010г.). Также, основные результаты диссертации применяются в учебном процессе Ташкентского государственного экономического университета (Справка №02-1736, 17.05.2010г.)

Область применения: Банковская система Республики Узбекистан.

RESUME

Thesis of Yakubova Shamshinur Shukhratovna on the scientific degree competition of the doctor of philosophy in economics on specialty 08.00.06 – “Econometrics and statistics”

Subject:

“Macroeconomic modeling monetary policy instruments”

Key words: recursive system of econometric models, economic growth, monetary policy, transmission mechanism, macroeconomic modeling, refinancing rate, required reserves, inflation.

Subject of research: the adopted monetary policy of the Republic of Uzbekistan is the subject of research.

Purpose of work: The purpose of work is to frame scientific proposals and practical recommendations on improving monetary policy based on elaboration and application econometric models in providing stable and strong economic growth of national economy.

Methods of research: Methods of logical comparative analysis, and statistical analysis, methods of econometric modeling, also error correction, extrapolation, and target prediction methods were used in the course of research.

The results obtained and their novelty: The elaboration of the recursive system of economical-mathematic models which reflect the influence of monetary policy instruments on the macroeconomic indicators. It includes: the theoretical and methodological basis for estimating the influence of monetary policy instruments on economic growth was elaborated; econometric methods of modeling the influence of refinancing rate and required reserves rate on macroeconomic indicators are proposed; on the basis of proposed methods of modeling the recursive system of economical-mathematic models was elaborated and used; a quantitative estimation the influence of monetary instruments on indicators of money market and real sector of the economy carried out; GDP growth and inflation dynamics subject to various levels of refinancing rate and required reserves rate for the medium run were forecasted; further development and improvement of instruments of monetary policy was suggested.

Practical value: The introduced methods and models of monetary policy instruments, the developed system of recursive models, and forecasted estimates of GDP growth and inflation rate can be used in the process of elaborating programs for perspective development of the Uzbek economy, and also in identification further short and medium-run monetary policies aimed to support stability of national currency and steady state of economic growth.

Degree of embed and economic effectivity: The findings and predictive estimates of econometric models have been accepted for application on projects of analysis and forecasting of monetary policy at the Institute of forecasting and macroeconomic research under Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan (certificate #175, 18.05.2010). Also, main results of dissertation are used in the educational process of Tashkent State University of Economics (certificate #02-1736, 17.05.2010).

Field of application: The banking system of the Republic of Uzbekistan.

Қоғоз бичими	1,3 б.т.
Босишга рухсат этилди	20.09.2010 й.
Тиражи	100 нусха
Буюртма №	458

Тошкент давлат иқтисодиёт университети
«ТАЛАБА» янги ахборот технологиялари марказининг
«RISO» нусха кўчириш техникасида чоп этилди

Тошкент, Ўзбекистон
шоҳкўчаси, 49-уй